

Қ А Р О Р

2025 йил июнь ойининг 11 куни, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Сирғали туман судининг очик суд мажлиси, ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи тергов судьяси Д.Валиев, судья ёрдамчиси Ж.Хушбаковнинг котиблигида, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 41¹-моддаси 1-қисми билан баённома расмийлаштирилган 3-1011-2508/3545-сонли маъмурий иш юзасидан:

Саттаров Искандар Келдиёрович (Sattarov Iskandar Keldiyorovich), 1992 йил 7 апрель куни Қашқадарё вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилмаган, Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, Сирғали 4-мавзеси, Саҳоват МФЙ, 4-уй, 63-хонадонда яшовчига

нисбатан маъмурий ишни кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

2025 йил 16 май куни соат 22:00ларда, И.Саттаров маст ҳолда бўла туриб, Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, Сирғали 4-мавзеси, Саҳоват МФЙ, 4-уйнинг болалар майдончаси яқинида ўриндиқда ўтирган 4-уйнинг, 1-хонадонда яшовчи Эгамбердиева Ирода Муминжоновнани орқа томонидан келиб, бўйнидан ушлаб, бошини орқага букиб, лабларидан упиб, унга нисбатан шахвоний шилқимлик қилганлиги сабабли, И.Эгамбердиева ИИОга мурожаат қилган.

Суд мажлисида ҳуқуқбузар И.Саттаров 2025 йил 16 май куни соат 22:00ларда, Сирғали тумани, Сирғали 4-мавзеси, 4-уйнинг болалар майдончаси яқинида маст ҳолда бўлганлиги сабабли, ўриндиқда ўтирган И.Эгамбердиевани нима қилганлигини билмаслигини, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, қилмишининг оқибатларини тушуниб етганлигини, И.Эгамбердиевадан ҳамда онасидан узр сўраганлигини баён қилиб, кўрсатув берди.

Суд мажлисида жабрланувчи И.Эгамбердиева ўз кўрсатувида, Сирғали тумани, Сирғали 4-мавзеси, 4-уй, 1-хонадонда яшашлигини, 2025 йил 16 май куни уйининг ҳовлисида ота-онаси билан кечки сайр қилганлигини, ҳаво иссиқ бўлганлиги сабабли, ота-онасига биров вақт ўриндиқда ўтиришни айтганлигини, ота-онсини уйига кетганлигини, ўриндиқда ўтириб уяли алоқа воситасидан фойдаланиб, ўтирганда, орқа томонидан кейинчалик шахсини аниқланган И.Саттаров келиб, бўйнидан ушлаб бошини орқага букиб, лабларидан ўпганлигини, бир амаллаб чиқиб унинг қўлларидан кетиб бақирганлигини ва акасига кўнғироқ қилиб чақирганлигини, акаси И.Саттаровни қидириб топмаганлигини, қўшнилардан сўраганда, И.Саттаровни уйини кўрсатганлигини, шундан сўнг, ИИОга мурожаат қилганлигини баён қилиб, И.Саттаровга нисбатан оғирроқ жазо беришни сўраб, кўрсатув берди.



Суд, И.Саттаровнинг айби ишдаги билдирги, тушунтириш хатлари, маъмурий ҳуқуқбузарлик баённомаси ва бошқа далиллар билан ўз тасдиғини топган ҳамда И.Саттаровнинг “Шаҳвоний шилқимлик қилиш”да ифодаланган ҳаракати МЖтКнинг 41¹-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, И.Саттаровга жазо тайинлашда қилмишидан пушаймонлигини жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолат деб баҳоласа-да, уни ҳуқуқбузарликни маст ҳолда содир этганини жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида инobatга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 30 ноябрдаги “Судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришни тартибга солувчи қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 35-сонли қарори талабларига риоя қилган ҳолда унга нисбатан маъмурий қамоқ жазоси тайинлашни лозим топади.

Шунингдек суд, Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий қамоқни ўташ тартиби тўғрисида”ги Қонунининг 24-моддасига мувофиқ маъмурий қамоққа олинган шахслардан туман (шаҳар) суди маъмурий ишлар бўйича судьясининг қарорига кўра, махсус қабулхонада сақлаш билан боғлиқ харажатлар суткасига базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 фоизи миқдорида ундирилишини инobatга олиб, ушбу харажатларни И.Саттаровдан давлат даромадига ундиришни лозим деб топади.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 1, 245, 309, 310, 311-моддаларига асосан, суд

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

Саттаров Искандар Келдиёрович (Sattarov Iskandar Keldiyorovich) Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 41¹-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбли деб топилсин ва унга шу модда билан 5 (беш) сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинлансин.

Жазо ўташ муддати 2025 йил 11 июнь куни соат 16:00 дан ҳисоблансин.

И.Саттаровдан маъмурий қамоққа олинганларни сақлаш муассасаси фойдасига маъмурий қамоқнинг ҳар бир суткаси учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 % ундирилсин, “Маъмурий қамоққа олинган шахсларни сақлаш харажатларини ундириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунинг 2-моддаси талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқбузар маъмурий қамоқ жазосини ўтаётган муассасаси томонидан мажбурий ижрога қаратилсин.

Қарордан норози томон ўн сутка ичида шикоят бериш ёки протест келтириши, апелляция тартибида шикоят бериш муддати ўтгач, суднинг қарори чиқарилган кундан эътиборан олти ой ичида юқори турувчи судга кассация тартибида шикоят бериш ёки протест келтириш мумкин.

Раислик қилувчи

(имзо)

Д.Валиев

Нусхаси аслига тўғри:

